

«ЎЗБЕКИСТОН - ВАТАНИМ МАНИМ»

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)
Энг аввало, у оддий, ҳар доим, режали асосда ўтказиб келинган спорт мусобақаси бўлгани йўқ. Ва умуман, ҳозиргача ўтказилган шу турдаги анжуманлардан мазмун-моҳияти билан

ҳарбий уст-бош беришибди, қадди-қомати чиникибди, гап-сўзлари қатъийлашибди. Дунёқарашни кенгайтирибди, ҳаётга назари ўзгарибди. Ота-оналарига, укаларига, дўстларига меҳри, муҳаббати ўзгача, муноса-

бўлмиш бугунги йигитларимиз, ёш ҳарбийларимиз, эл-юрт ҳамда ота-оналарининг юзларини ерга қаратмасликларига ишонаман.
Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун ўзига хос ҳаёт мактаби. Ҳарбийда

“ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ...”


фарқ қилади. Универсиада ёшларимизнинг юксак жисмоний маҳоратини, куч-қудратини, маънавий баркамоллигини, Ватан, Халқ, Мустақиллик каби муқаддас тушунчалар олдида бир тан, бир жон бўлиб бирлаша олишини, яқдил ва жипслигини, зарур бўлиб қолганда эл-юрт ҳимояси учун жонини ҳам аямаслиги, фидойилигини яна бир бор намойиш этди. Ёшларимиз бирлашганда қудратли тўлқин пайдо бўлишини, Ватан учун мустақам қалқон, ишончли ҳимоя юзага келишини бутун дунё кўрди.

Яқин кунларда ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматга янгидан қабирилган йигитлар Ватанимиз, халқимизга, Мустақиллигимиз ва Президентимизга содиқ эканликларини ҳақиқат қасамидан қабул қилдилар. Тўғриси айтганда, ҳарбий қасамидан ёшларимиз ҳаётда ўзига хос етуқлик имтиҳони, десак янглишмаймиз. Энди улар шу тантанали, шарафли қасамга содиқ қолиш, берилган йигитлик сўзини, етуқлик лафзини оқлаш учун ўз иродаларини чиниқтирадilar. Жисмонан тобланиб, ҳарбий маҳоратларини ошириб борадилар. Халқимизнинг улуг шоири Фахур Гулом айтганидек, “Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ...” Ҳа, лочиндек ботир, бургутдек кўркмас, арслондек кучли, йўлбарсдек чапдаст, қаққон ўғлонлари вояга етиб, Ватанни ҳимоя қилаётганларидан ота-оналар ҳам фахрланадилар. Уғлим, кўзимнинг оку қораси ҳарбий хизматни, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтамоқда, дейиш улар учун ҳам алоҳида гурурдир.

Ҳарбийдаги ўгли ҳақида, болам-

бати ўзгача, деган сўзларнинг самийлигига шубҳаланмайман. Жалолдин Мангуберди, Темур Малик, Сохибқирон Амир Темурдек ҳарб илмининг билимдонлари, назаркарда саркардаларнинг, Нажмиддин Кубро, Намоз Ботир, Дукчи Эшон каби ватанпарварларнинг ворислари

юрагида ўти бор йигитлар нафақат жисмоний чиникиб, қўлда қурол тутишни ўрганишади, балки, энг аввало, маънавий жиҳатдан чиникишади, камолга етишади. Ҳар қандай қудратли қуролдан ҳам минг бора кучлироқ бўлган Ватанга, халққа муҳаббат “қуроли”ни юракларига жой-



АЛПОМИШ



АВЛОДЛАРИ

лайдилар. Ўзбекистонимиз ҳарбий мактабда таълим-тарбиянинг мақсади шунга йўналтирилган. Ёшларимизга ҳарбий таълим берувчи тизим жамиятимизнинг жисмонан ва маънави бақувват аъзоларини, жаҳон цивилизацияси ютуқларини, халқимизнинг маданий ва маърифий кадриятларини ўзлаштириб олган Ватан фидойиларини тайёрламоқда.

Яқинда машқлардан қайтган ҳарбий кадрлардан бирининг сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман: “Ҳарбий машқларда, орақанда ота-онанг бор, эл-юртинг, Президентинг бор, деган тушунча бир зум бўлсин юрагимизни тарк этгани йўқ”. Менимча, йигитларимизнинг юрагидеги шу туйғу-тушунча Ватан туйғуси бўлса керак.

Ҳа, мустақиллик, озодлик таълимини олган йигитлар халқимизнинг ана шундай юксак рух, юксак фикр, юксак дунёқарашга эга бўлган фарзандлари, муқаддас Ҳарбий Қасамидни қабул қилган, қасамдга умрларининг охиригача содиқ қолувчи мард ва жасур йигитлардир.

Афсуски, ораимизда ҳарбий хизматдан бўйин товлаб, қочиб юрганлар ҳам, топилади. Уларни халқимизга муносиб фарзандлар, деб аташ мумкинми? Йўқ, албатта. Улар ўз ота-оналари юзини ерга қаратмапти, деб айтиш мум-

Ислом КАРИМОВ:
Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.

кинми? Уларга ҳақиқий баҳони маҳалла-қўй, тенгдошлари, умуман жамоатчилик беради. Улар ўз тенгдошлари орасида яққаланиб, ажралиб қоладилар.

Яқинда менга бир ёш йигит ҳақида

Дунёда улуг бир ҳақиқат мавжуд: Ҳамма нарсанинг моҳиятида муҳаббат ётади. Муҳаббат кўркмасни ботир, ботирни қаҳрамон қилади. Ватан учун фидойилик эса оддий қаҳрамонлик эмас, балки ҳар бир инсоннинг ҳам ўз аъждони, ҳам Яратган олдидаги фарз ва қарзидир. Она-Ватанга бўлган муҳаббат бизни доимо фидойиликка чорлайди.

Салим АШУРОВ

ОҚ ЎТОВДАН ТАРАЛГАН ОНА МАДҲИЯСИ

Қорақалпоғистоннинг чекка овулларида яшайдиган дунё кўрган оқсоқоллардан бири Президентимизнинг 2000 йили “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиши ва фарзандларимизнинг қомил тақдир ҳақида юракдан ёниб айтган сўзларини телевизор орқали тинглаб туриб, шукр, шундай кунларга етказганимизга шукр, дея қувончдан кўзларига ёш олганига гувоҳ бўлганман.

Албатта, бу — беҳиз эмас. Соғлом авлод — фарзандларимизни етуқ инсонлар қилиб вояга етказиш масаласи халқимиз кўнглида узок йиллардан буён тўпланиб қолган оғир бир дард эди. Айниқса, шўро замонида юртдошларимиз бошидан кечирган қийинчиликлар нафақат жисмонан мажрўх қилди, балки миллат келажагига ҳам оқиб-ошкор таҳдид сола бошлади.

Оддий бир мисол: кечаги тузум даврида халқимиз ўзи ҳар кун истаёмол қиладиган ичимлик сувининг сифатини билиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Мустабид тузум даврига хос бўлган бундай аянчли мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Ва буларнинг бари аҳолининг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади.

Шу маънода мустақиллик сиёсати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли савоб ва эзгу ишлар шўро давридаги адолатсизликларга бут-

туғруқхонада ҳавас қилса арзийдиган шарт-шароитлар яратилди. Ўта замонавий “Дельфия” ташхис қўйиш ускунаси чақалоқларнинг соғлом туғилишини тўла таъминлайди, дейиш мумкин. Чунки бу тиббий ускуна ёрдамида чақалоқларни ҳали она қорнидаёқ текшириш, агар бирон бир касаллик аломати сезилса зарур ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд.

Мана, ўзингиз таққослаб кўринг: ривожланган Японияда ҳар бир одамнинг нафақат ўзи, балки келажақ авлодларининг ҳам жисмоний ва ақлий имкониятлари олдиндан компьютерда ҳисобланиб, генетик кодлари чиқарилиб қўйилар экан.

Бунга ажабланмасан ҳам бўлади. Чунки бугунги кунда Япония дунёнинг энг олди давлатларидан бири саналади. Лекин бизнинг мамлакатимизда ҳам шундан асло қолишмайдиغان эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, 1997 йил Нукусда “Скрининг — марказ”и ташкил этилди ва у энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозир бу марказда малакали шифокорлар аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Мустақиллик йилларида Нукусдаги марказий

кетган кишиларни кўп қўрганмиз. Лекин оналар ўлими, уларнинг минг битта дарда чалингани ва шунинг оқибатида ногирон, яшаб кетиш қобилиятини йўқотган чақалоқлар туғилгани, бундай фожеа жамиятимизда эпидемияга айлангани учун бирон-бир кимса жавобгарликка тортилгани йўқ.

Бу — шўро даврида инсон, унинг саломатлиги, келажақ тақдирини сарф қилган чакчалик қадриланмаганлигини, балки муттасил равишда шунга зид ишлар авж олганини англат-

майдими?!

Энди эса бугунги маълумотларга эътибор берайлик: мустақиллигимиз йилларида Қорақалпоғистонда оналар ўлими 2,5, болалар ўлими эса 5 баробарга камайди.

Шунингдек, айрим юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, бунинг замирида, аввало, она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу-



Мардлар кўриқлайди Ватанини

Катта лейтенант Фулом Тиллаев бўлинмасига эгизак посбонлар муддатли ҳарбий хизматни ўташга келганида, очиги, бироз қийналди. Негаки, Ҳасанга топшириқ бераман дейди-

борадаги ислохотлар хусусида сўз очилганда, Ҳасан-Хусан ҳеч қайси сафдошига имкон бермади. Сабаби улар иқтисодий борада анча маълумотга эга. Муддатли ҳарбий хизматгача

сида улар ўртасида тафовут бўлмаган, йигитлик мактабда бу мувоозанат бўзилса... Шунинг учун ҳам оддий аскар Ҳусан Муртазов кичик сержант Ҳасан Муртазовга етиб олиш

ЭГИЗАК ПОСБОНЛАР

ю, ҳадеб уни Ҳусан билан алмаштириб юборади. Ёки бунинг акси. Дастлаб сафдошлар ҳам эгизакларни “танитай” юришди. Аммо бора-бора бу “муаммо” бартараф этилди.

Эгизаклар хизматга келганидан бошлаб бир-бири билан мусобақадор. Бўйбаста, қомати бир хил бўлишига қарамай, Ҳасанбой бироз чайир, жисмонан чиниққан. Аммо ижтимоий сиёсий машғулотлар бўйича имкониятлар деярли тенг.

Хатто бир сафар ижтимоий-сиёсий машғулотларда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, бу

эгизаклар бухгалтерия коллежини тугатишган.

Ўқув мавсуми машғулотларида ҳар иккаласи ҳам фаол қатнашиб келаёттир. Шунинг учун ҳам эгизак посбонлар Ватан ҳимоячилари қўнида, Наврўз умумхалқ байрамида қўмондонлик томонидан тақдирланишди. Лекин шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган мавсумда Ҳусаннинг хизматларида жиддий ўзгаришлар бўлиб, интилишлари орди. Ҳа, уни тушунса бўлади. Ҳасан бир поғона юқори унвонда бўлса-ю, Ҳусан бўлашиб турса, ярашмайди-да. Ахир шу кунгача ўзлаштириш бора-

унон бел боғлаган. Қолаверса, жанговар мусобақанинг талаб эътидани ҳам шуда. Ҳа, дўстона рақобат уларни жанговар ҳаётда, янги-янги ютуқларга чорлаттир.

Таъбир жоиз бўлса, шунинг айтмоқчи эдимки, йигитлик мактаби Ҳасан-Хусанни янада жипслаштирди. Улар бу даргоҳда ҳаётнинг паст-баландини англаб етишди. Қолаверса, ҳарбий хизмат ана шу жипсликнинг қадрига етишга ўргатди, эгизакларни.

Алижон САФАРОВ,
катта лейтенант

гунги юксак эътибор, шунингдек, ўз касбига юракдан меҳр қўйган қорақалпоғистонлик шифокорларнинг фидойилиги етибди.

1999 йил Нукус шаҳрида 300 ўринга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ҳамда республика оналик ва болаликни муҳофаза этиш марказининг очилиши соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш йўлида амалга оширилган улкан ишлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Марказ “ЭКОСАН”, “ЮНИСЕФ”, “ЧЕГАРАСИЗ ВРАЧЛАР”, “ЦАРАК” каби бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда оналар

ва болалар соғлигини сақлаш борасида янги дастурлар асосида иш юритмоқда. Бугунги кунда қорақалпоғистонлик минглаб оилалар марказнинг беминнат ёрдамидан тўла баҳраманд бўлишмоқда. Бир йилнинг ўзида республикага инсонпарварлик ёрдами тариқасида 32 номдаги дори-дармонлар келтирилди.

Нукус шаҳрида ўтган йили мотамсаро Она ҳайкали барпо этилди. Тиббиёт шаҳарчасидан ўтиб Хотира майдонига қадам қўйсангиз, улугвор Она ҳайкалига кўзингиз тушади. У бизни ёруғ дунёга келтир-

ган, оқ сут бериб вояга етказган она рамзи...

Айтишларига қараганда, Она алласи еруқкунги тутиб янграганда, қирқ йиллик урушлар ҳам тўхтаган, табиатдаги барча мавжудот сукунат оғушида қолган. Она алласи ва оқ сут Ватанимиз шон-шухратини дунёга таратган, тенгсиз мардлик намуналарини кўрсатган не-не буюқ фарзандларни вояга етказган.

Қорақалпоқ аёлининг алласи — саҳродаги Аналик мадҳияси бугун ҳар соат, ҳар дақиқада янграмоқда...

Ўрозбой
АБДУРАҲМОНОВ,
қорақалпоқ адиби

"Умид"нинг умидлари

Унга ҳамнинг ҳаваси келади. Тенгдошлари у каби шикоятли, тиниб-тинчмайди...

Жаҳонгир Хусанов — 1974 йил Тошкент вилоятида туғилган. Болалигида кизикувчанлиги, ёшига нисбатан ақли...

ЖАҲОНГИР ЖАҲОННИ,



лиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Эрталабдан кечгача китоб ўқиш чарчамайди...

инсон шаъни биринчи ўринда тураркан. — Америка ёшлари билан ўзбек ёшлари ўртасида қандай фарқ бор?

— Умуман, миллатидан қатъий назар, ёшларнинг ўзига яраша шиквати бор...

ЖАҲОН ЖАҲОНГИРНИ ТАНИЙДИ

буни бошқа миллат билан қийслаб бўлмайди. Одоб, маданият, шарқона гурур, журъатлилик бари ўзимизники...

— Узингиз журъатлими-сиз? — Ўрни келганда. Бир ишга журъат қилсам, албатта мақсадимга эришиш учун бор кучимни аямайман...

— Жаҳонгир, авваламбор, Америка таассуротлари билан ўртоқлашсангиз. — Америкада икки йил таҳсил олган бўлсам...

— Жаҳонгир, авваламбор, Америка таассуротлари билан ўртоқлашсангиз. — Америкада икки йил таҳсил олган бўлсам...

да ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилляпти. — Баъзи пайтларда иш устида қийинчиликлар туғилади...

— Гап ёшда эмас. Тўғри, баъзида тарғибот ишлари билан шуғулланаётганимда...

— Узингиз замонавий ёшлар тоифасига қўша оласизми? — Замонавий ёшлар деганда авваламбор барча соҳаларда эркин бахшлаша оладиган...

ЖАҲОН ЖАҲОНГИРНИ ТАНИЙДИ



замон билан тенг ёки бир қадам олдинда юрадиган тенгдошларимни тасаввур қиламан. Билимим билан юртим равангига ҳисса қўша олсам...

— Дарҳақиқат, биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, ривожланган мамлакатларда таҳсил олиб фикрлар майдонига бемалол бахшлаша оладиган баркамол авлодини тарбиялаб...

ДЕҲҚОННИНГ ЎЖАРИ ФЕРМЕР БЎЛАДИ

Шамсиддин Барноев 23 ёшида бригадани бошлиги вазифасига тайинланди. Ушундан бери шу ишда.

Меҳнат инсонни улуглайди

ишди оқсоқоллар. — Нима? Фермер бўласан? Бўловур. Ерни ҳўжаликдан олсанми?

— Лекин Шамсиддин бунга келмади. Уша раҳбарларнинг олдидаги оқсоқоллар.



Ўзбекистон боғларига ёз кириб келди

дига қонунларни қалаштириб ташлади. Ҳақини талаб қилди. Гоёсини оддий деҳқонларга ҳам сингирди. Охири ниятига етди.

Ёшлик баҳслари

Ҳайрон бўлманг, жуда ваҳимали туюлган бу савол аслида ҳар кунни қаршимизда кўндаланг туради. Кунни кеча мен бунга яна бир бор амин бўлдим.

КИМДАН ҚЎРҚИБ ЯШАШИМИЗ КЕРАК?

ерда ниманидир англаб етгандай бўлмаяпсизми? Ўқитувчига кўрсатмасдан партага чизадиган, отасидан яшириб сигарета тутатадиган...



Ўзбекистон Республикаси Ўш вилоятининг "Камолот" жамағатининг...

килиши мумкин, деган ҳулосага келди Шамсиддин ака. Хомчўт қила-қила янги нави, яъни сингашта бўлмаган "Оқдёр-6" нави уруғ экишга ҳам жазм қилди.

"Туркистон"га мактуб

ОНАГИНАМ

Она, онагинам, мен яна сиз ҳақингизда ёза бошладим. Ўша уй, ҳовли, қадрили изларингиз ҳали-ҳануз ёдимда.

"Камолот" ҳудуди

"ИННОВАЦИЯ-2000"

Ўзбекистон Республикаси Ўш вилоятининг "Камолот" жамағатининг Бухоро вилояти ҳокимлиги "Ўзбекистон" илмий-сановат ташкилотининг...

Анжуманда куйидаги асосий масалалар кўриб чиқилди:

- Халқ ҳўжалиги тармоқларида инновацион-технологик ривожланишнинг муромо ва истикболлари (агрорасаноат комплекси); Тоғ иши ва металлургия, материалшўнослик, нефть-газ, озиқ-овқат ва кимё тармоқлари; Қишлоқ ҳудудлари учун кичик технологиялар ва қайта ишлаш инфраструктуралари; Сув-Чўл-Экология, Муромолар ва ечимлар; Теледетекция ва географик инфоромацион тизимлар; Моделлаштириш, автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида мураккаб жараёнларни бошқариш; Информацион технология ва тизимлар; Анжуман ишида қатнашиш истагидаги мутахассислар ўша маърузаларнинг тезисларини экспортга аклари билан 2000 йил 30 июнгача ташкилий қўмитага тавсия этишлари мумкин.

...Ойнадан ўпкалама

КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Кутубхона-нурхона деган ҳикмат бор. Бунинг замирида маънавият кутубхонадан бошланади, деган маънони ҳис этамин.

Хоразм вилояти Гурлан тумани марказий кутубхонасида бўлганимизда бу ердаги иш фаолиятидан унчалик кўнглимиз саноклигина даврий нашрлар таҳламлири кўйилган. Улар ҳам доимий тўплаб борилмаган. Китоб жавонларида эса асосан чет тилидаги китоблар. Кейинги йилларда чоп этилаётган адабиётлар кам. Кутубхона маъмурияти янги китоб олиш бўйича наشريётлар ёки тегишли ташкилотлар билан шартнома асосида директор Ш.Саидабдуллаев бўлса нолишдан нарига ўтмади.

"Туркистон"га мактуб

ОНАГИНАМ

Она, онагинам, мен яна сиз ҳақингизда ёза бошладим. Ўша уй, ҳовли, қадрили изларингиз ҳали-ҳануз ёдимда.

"Камолот" ҳудуди

"ИННОВАЦИЯ-2000"

Ўзбекистон Республикаси Ўш вилоятининг "Камолот" жамағатининг Бухоро вилояти ҳокимлиги "Ўзбекистон" илмий-сановат ташкилотининг...

Анжуманда куйидаги асосий масалалар кўриб чиқилди:

- Халқ ҳўжалиги тармоқларида инновацион-технологик ривожланишнинг муромо ва истикболлари (агрорасаноат комплекси); Тоғ иши ва металлургия, материалшўнослик, нефть-газ, озиқ-овқат ва кимё тармоқлари; Қишлоқ ҳудудлари учун кичик технологиялар ва қайта ишлаш инфраструктуралари; Сув-Чўл-Экология, Муромолар ва ечимлар; Теледетекция ва географик инфоромацион тизимлар; Моделлаштириш, автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида мураккаб жараёнларни бошқариш; Информацион технология ва тизимлар; Анжуман ишида қатнашиш истагидаги мутахассислар ўша маърузаларнинг тезисларини экспортга аклари билан 2000 йил 30 июнгача ташкилий қўмитага тавсия этишлари мумкин.

Сенинг тенгдошинг

ҒАЙРАТ ЯҒОНА ЧАВАНДОЗ

2-4 июнь кунлари Қибрай отчопарида тўсиқлардан сакраш бўйича Жаҳон Кубоғига саралаш беллашувининг охириги — учинчи босқич мусобақаси ўтказилди. Унда Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон терма жамоаларининг сара чавандозлари "Миллатлар кубоғи" ҳамда 2001 йилги Жаҳон Кубоғи финалига бериладиган ягона йўлланмани кўлга киритиш учун ўз тулпорларида майдонга чиқдилар.

— Агрель-май ойларида Бишкек ва Алмати шаҳарлари мезбон бўлган саралаш баҳсларида чавандозларимиз маҳорат бобида Марказий Осиё лигасида пешқадамлардан эканликларини исботлашга ҳаракат қилган эдилар, — деди От спорти федерацияси етакчи мутахассиси Жўрақўзи Турдиматов "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Қибрайдаги жамоалар ўрта-

сидаги учинчи босқич беллашувларида "Миллатлар кубоғи" қозғистонлик дўстларимизга насиб этди. Қолаверса, ушбу босқичдаги шахсий биринчиликда лиганинг Жаҳон Кубоғи финалида қатнашувчи йўлланма соҳиби аниқ бўлди. Қувончлиси шундаки, ўтган икки босқичда совринли ўринларни кўлга киритган вакилимиз Ғайрат Назаров бу гал ҳам "Арслон" лақабли тулпорда иккинчи ўринни банд этди. У саралаш баҳсларида кўрсатган умумий натижалари ҳисобига 2001 йилда Голландияда ўтказиладиган жаҳоннинг сара чавандозлари иштирокидаги финал мусобақа-



сида Марказий Осиёнинг ягона вакили бўлиш бахтига мурасар бўлди. Истиқлол давримиздаги ўзбекистонлик полвонлар ичида Ғайрат Назаров ушбу галабаси билан халқаро миқёсдаги мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи дастлабки чавандоздир.

"Туркистон-пресс"

Ҳаёт отлиг неъмат нашъасидан баҳраманд инсон уйғок дил ва теран тафаккур билан яшасагина, орзулари, туйғулари осмон қадар кенгайиши шубҳасиз. Бу осмонда эса бир порлоқ нур бор. У — муҳаббат! Унинг сеҳру жолабаси "ноғора"сида ўйнамаган инсон зоти дунёда камдан-кам топилса керак. Зеро, шоир айтганидек:

Муҳаббат бобида шоҳ ҳам гадодир,

КЎНГИЛ ОСМОНИДАГИ НУР

Гадонинг юраги нурли дунёдир. Муҳаббат шаробин сипқормаган дил, Тўнадан баттар-у совуқ саҳродир.

Ҳа, худди шундай! Муҳаббат оламининг эса адоғи йўқ. Ёрга муҳаббат, Вантанга муҳаббат, эл-юртга муҳаббат, дўстга муҳаббат, дунёга муҳаббат.

Ҳаётнинг юлдузли онлари — муҳаббат қалбинги қиздирган лаҳзалар. Жаҳонгир жангу жадал билан оламни эгалласа, муҳаббат бетакрор сеҳри билан, қайноқ нафаси, сирли қадами билан юракларни эгаллайди. Қуёш етти иқлимни иситса, муҳаббат қалб, вужуд ва умр иқлимларини иситади. Муҳаббат дардига йўлиққан, унинг шаробидан сипқорган ошқ ёки маъшўқа назарида еру осмон гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғу. Муҳаббат қудратига тенг қудрат йўқ бу сир-синоатли оламда. Ошқ қалбини чўгдек ёндирувчи, маъшўқаси



Севги мамлақати

ган, ичилмаган май, юлдузлар кўзидан тўкилган оташ! Бу оташ кимларгадир насиб этади, кимларгадир йўқ.

Муҳаббат — битмас-туғанмас ноёб хазина. Муҳаббат — кўнглининг барҳақ султони. Муҳаббат — жоду кўзларда ёнаётган ўт. Муҳаббат — лаъли лабларда порлаётган нур. Муҳаббат — сумбул сочлардан таралаётган бўстон ислари, жаннат ризвонадан оқаётган кавсар шароби. Муҳаббат — нақш олмадек юзларда товланаётган лоларанг ҳаёт жилоси. Муҳаббат — ҳаёт даштларини гулларга тўлдирувчи баҳоринг исён. Муҳаббат — сон-санокезиз қалбларга сизмаган ва сизмайдиган чексиз дунёдир. Шу боис муҳаббатни ким хор этса, ўзи хор бўлади. Уни эрмак деб билган ўзи ҳам эрмакка айланади. Бирининг муҳаббатини хазон этган ўзи ҳам хазон бўлади.

Бахшулла РАЖАБ, Бухоро

«Сўнги устун» хабарлари

«САНАМ»НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Қашқадарё енгил саноатининг энг йирик корхоналаридан бири бўлган Қарши шаҳридаги «Санам» ҳиссадорлик жамиятига бир гуруҳ олимиялик мутахассислар ташриф буюришди. Бундан мақсад, корхона маҳсулотларини август ойида Олмониянинг Кёльн шаҳрида бўладиган «Интерженс» савдо-ярмаркасига тайёрлашди.

ХОРИЖДА

Делегация раҳбари Томас Прайнинг айтишича, бу савдо-ярмаркасида дунёнинг энг машҳур корхоналари ўзининг эркаклар учун ишлаб чиқараётган кийимларини намойиш этади.

Ярмарка давомида ишлаб чиқарувчилар янги мижоз орттириб, истиқболли ва даромадли шартномалар тузишга эришадилар. Ўзбекистондан бораётган «Санам» Кёльн эркаклар кўйлиги ва спорт кийимининг янги моделини намойиш этади.

Зилола ЖУМАЕВА, Қашқадарё вилояти

«КЕЙС» КОМБАЙНИДАН «ТИКО»ГАЧА

Олма пиш, оғзимга туш, деган даврлар ўтганига анча бўлди. Энди меҳнат қилганига ҳаммадан яхши яшайди. Ҳаттоки бир мавсумда оддий механизатор тиним билмай ишласа, «Тико»ли бўлиши ҳам мумкин. Бухоро вилоятидагилар учун ана шундай имконият бор. Мавсумда энг кўп галла майдонини ўриб, ҳосил нобудгарчилигига йўл қўймаган «Кейс-2166» комбайни бошқарувчиси Голиб машинани бўлади. «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмаси таъсис этган бу мукофотга даъвогарлар кўп. Ахир ёмонми, чарчовни «Тико»га миниб боссан!

Бахтиёр ШОХИСМОИЛ, «Туркистон» муҳбири

СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек тумани «Яланғоч» маҳалласи ҳудудида «Соғломлаштириш маркази» ўз ишини бошлади.

«Биологик» жамоа корхонаси томонидан очилган марказда жисмоний соғломлаштириш ускуналарининг барча тури мавжуд бўлиб, бир кунда юздан ортиқ мижозни қабул қилади.

Чипталарнинг баҳоси бошқаларникидан анча арзон. Марказ маҳалладаги кам таъминланган оилалардан иккитасини ўз оталиғига олган.

Сайфулла ТОҒАЕВ, «Туркистон» муҳбири

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси IX миллий чемпионатида навбатдаги ўн олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ўтказилган ўн учрашувда дарвозаларга 23 та тўп киритилди.

Чемпионатда карвонбошилик қилаётган Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида Наманганнинг «Навбахор» футболчиларини қабул қилди. Уйининг даст-

1:0 ҳисоби ўзгармади. Иккинчи бўлимнинг бошларидан яна майдон эгалари меҳмонлар дарвозасини «ўққа» тута бошладилар. 36-дақиқадаги-на Жаъфар Ирисметов оширган тўпни Фарид Ҳабибуллин дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 2:0 га ўзгартирди. Уйин охиригача жамоалар ҳужумкор руҳда ўйнаган бўлсалар-да, 2:0 ҳисоби ўйин тугагунча сақланиб қолди. Пе-

тўп муаллифи «Пахтакор»чи Одил Исабоев бўлди. У ўз дарвозасига «чиройли» тўп киритишга эришди. Ҳар икки жамоа майдонда фаол ҳаракат қилди, лекин меҳмонларнинг омади келди, десак муболаға бўлмайди. Шухрат Жабборов майдон эгалари дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, ҳисобни 2:0 га ўзгартирди. Учрашувнинг сўнги дақиқаларида эса

дахлсизлиги сақланиб қолди. «Бухоро» Жиззахда майдон эгалари устидан ягона тўп ҳисобига галаба қозондилар. «Сурхон» Нукусда майдон эгаларини 4:1 ҳисобида мағлуб этди. «Семурғ» эса ўз майдонида «Зарафшон» жамоаси дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритиб, 3:0 ҳисобида муҳим галабани кўлга киритди. «Кимёгар» эса ўз майдонида «Темирйўлчи»ни қабул қил-

САДИРИННИНГ КЕЛИШИ... ВА КЕТИШИ

ёки ўзбек футболни юқори поғоналарга кўтараман деган мураббий нимага сўздан қайтди?

Бутун МДХ мамлакатларида таниқли бўлган россиялик мураббий Павел Садириннинг кутилмаганда Ўзбекистон терма жамоасига раҳбар бўлиб келиши барча ишқибозларни қувонтирган ва ҳайратга солган эди. Ўз вақтида бу мураббий ишга жиддий киришиб кетди. Раҳматли Маҳмуд Раҳимовнинг тузган таркибини янада кучайтиришга бел боғлади. Афсуски, режалар, топшириқлар узоқ давом этмади. Натижада, терма командамиз яна мураббийсиз қолди.

Ҳўш, Павел Садириннинг юртига қайтиб кетишидан бизникилар розими? Агарда унга ваъда қилган шартлар бекамда кўст бажарилган бўлса бизникилар, албатта, норози. Бажарилмаган тақдирда...

Қисқаси Садириндек тажрибали мураббий замонага керак. Ким кўнглини топиб ишлата билса марра шуники. Шунинг учун «Югурганники эмас,



буюрганники» деган гап ҳаммаша голиб. Футбол бор жойда, пул бор жойда бундай «бахо» ҳаммаша учраб туради. Футбол — пул! Аммо шуниси ҳам борки, пул ҳеч қачон футбол бўлолмайди. Бу борада истак, ҳаракат, гурур ҳам зарур.

Энди терма командамизга ким бош мураббий бўлади? Ишқибозларга қолса, ўзимизникилардан тайинлангани маъқул.

Нормурод МУСОМОВ, спорт шарҳловчиси

ПЕШҚАДАМ ОЛФА ИНТИЛОМҚДА



Игорь Шквирин рақиблар жарима майдонига ёриб кириб, тўпни Александр Писаревга аниқ етказиб берди ва у тўпни дарвозага йўллади. Шундан сўнг ҳар икки жамоа ҳисобни ўзгартариш учун ҳаракат қилган бўлсалар-да, 2:1 ҳисоби сақланиб қолди. «Самарқанд» бу галабадан сўнг ўз очколарини 34 тага етказиб, иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бу йилги чемпионатда муваффақиятли катнашаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси Урганчда «Хоразм» билан учрашди. Уйинда ҳисоб очилмади. Худди шундай натижа «Металлур» — «Нефчи»; «Гулистон» — «Кизилкум» учрашувларида ҳам дарвозалар

ди. Бу учрашув дарвозаларга киритилган тўпларга бой бўлди. Майдон эгаларининг киритган 4 тўпига, меҳмонлар 3 тўп билан жавоб бердилар. Уйин 4:3 ҳисобида «Кимёгар» галабаси билан яқунланди. «Трактор» — «Андиджон» учрашуви 2:0 ҳисобида майдон эгаларининг ютуғи билан тугади.

IX миллий чемпионатнинг навбатдаги 17-тури 11 июнь яқшанба куни бўлиб ўтади. Лекин 8 июнда «Нефчи» ва «Навбахор» ўртасидаги кечиктирилган ўйин ўтказилади.

Тўп урарлар баҳсида «Дўстлик» жамоасининг ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов 16 тўп билан карвонбошилик қилмоқда.

лабки дақиқаларида ноқ майдон эгалари ташаббусни ўз кўлларига олдилар. Меҳмонлар йиғирмани дақиқада ўз майдонларида қўполликка йўл қўйдилар ва ҳакам уларни ўн бир метрлик жарима тўпи билан жазолади. Ўн бир метрлик жарима тўпини мохир ҳужумчи Мухтор Курбоннов амалга оширди. Лекин у ўйинда ҳисобни оча олмади. У кетма-кет иккинчи ўн бир метрлик жарима тўпини дарвозага киритолмай изза бўлди. Ниҳоят, ҳужумларнинг бирида Жаъфар Ирисметов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Майдон эгалари тўпик устунликка эга бўлсалар-да, танаффусгача

шқадам муҳим 3 очкони кўлга киритиб, ўз очколар сонини 41 тага етказиб олди. Жадвалда иккинчи поғонани эгаллаб турган «Самарқанд—Д» жамоаси Тошкентда «Пахтакор»га қарши майдонга тушди. Бу учрашувда ўйингоҳга эллик мингга яқин томошабин тўпланиб, чемпионатнинг рекордини қўйдилар. Ишқибозларнинг олқиши остида тўп сурган «Пахтакор»чилар ҳужумга зўр бердилар. Лекин меҳмонлар ҳам кўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Шунинг учун тўп майдон ўртасида туриб қолган ҳоллари кам бўлди. Учрашувнинг иккинчи бўлими ўн еттинчи дақиқасида меҳмонлар ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Бу

Жамоаларнинг ўн олтинчи турдан сўнг жадвалда тутган ўрни

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	16	13	2	1	44-14	41
2. «Самарқанд-Д»	16	11	1	4	34-17	34
3. «Насаф»	16	9	5	3	29-16	32
4. «Нефчи»	15	8	5	2	23-11	29
5. «Навбахор»	15	8	4	3	28-15	28
6. «Сурхон»	16	8	4	5	28-24	27
7. «Семурғ»	16	8	2	6	32-23	26
8. «Бухоро»	16	7	3	6	15-17	24
9. «Трактор»	16	6	3	7	19-17	21
10. «Зарафшон»	16	6	3	7	16-27	21
11. «Пахтакор»	16	6	2	8	22-25	20
12. «Андиджон»	16	4	7	5	22-21	19
13. «Металлур»	16	5	4	7	13-18	19
14. «Сўғдиёна»	16	5	4	7	13-21	19
15. «Кизилкум»	16	5	4	7	15-23	19
16. «Гулистон»	16	5	2	9	22-26	17
17. «Кимёгар»	16	3	6	7	13-24	15
18. «Темирйўлчи»	16	3	3	10	20-36	12
19. «Хоразм»	16	2	5	9	11-22	11
20. «Турон»	16	1	4	11	13-35	7

Талъат ЮСУПОВ, спорт шарҳловчиси


ЭНИГА: 7. Феодал жамиятида имтиёзли синфларнинг юқори табақасига мансуб шахс. 8. Таом номи. 10. Узунлик ўлчов бирлиги. 11. Овқат ҳазм қилиш органларидан бири. 13. Маккажўхорининг туккан «болоча»си. 14. Узуннинг акиси. 15. Хоразм вилоятидаги туман. 17. Куба пойтахти. 18. Уй жиҳози. 19. Йирткич қуш. 23. Йилнинг келинчак фасли, баҳор. 24. Танглай муртақларининг яллиғланиши билан кечадиган ўткир уқумли касаллик. 25. Фарангистон пойтахти. 27. Оёқ кийими. 28. Спорт иншооти. 29. АҚШдаги штат. 31. Дунё забт этган. 32. Олмониядаги шаҳар.

БҮЙИГА: 1. Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк саналувчи давлатлардан бирининг қадимги пойтахти. 2. Хўл мева. 3. Енгил суюқлик солиниб, ичида «пуфакча» ҳосил қил-

ган шиша ампуладан иборат мослама. 4. Думли юлдуз. 5. Давомли нарсаларнинг сўнги қисми. 6. Бошлиқ ҳузурида турли топшириқларни бажарувчи офицер. 9. Кишиларнинг тарихий бирлиги. 12. Мевали дарахтларнинг йилора ҳосил бериши. 13. Қарчигайсимонлар оиласининг бир уруғи. 16. Дўст, биродар. 17. Қувушохлилар оиласига мансуб жуфт тўқли ҳайвон. 20. Толдошларга мансуб дарахтлар туркуми. 21. Карвонбоши, карвон. 22. Дания ёзувчиси, эртақчи. 25. Иссиқ устки қишлоқ кийим. 26. Зайтундошларга мансуб буталар туркуми. 29. Узумдан тайёрланадиган спиртли ичимлик. 30. «Тоҳир ва Зухра» фильмининг режиссёри (исми)...

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

БОШҚОЯШТРАЖА



Газетанинг навбатдаги сони 14 июнь, chorshanba куни чиқади